ЛЕНИН ИШИ ЯШАМОҚДА ВА ҒАЛАБА ҚИЛМОҚДА

БУТУН ДУНЁ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

17-йил чиқиши.

№ 87 (4334).

2 МАЙ ШАНБА 1970 йил,

Баҳоси 2 тийин.



МОСКВА. 1 Май 1970 йил. В. И. Ленин Мавзолейи минбарида. (ТАСС фотоси).

Биринчи май намойиши партия билан халқнинг бирлигини совет кишилари ўзларининг куч ва ижодларини коммунизм ишига бағишлашга тайёр эканликларини яна бир марта яққол кўрсатди.

САМИМИЙ ТАШАККУР

Улуғ мутафаккир ва революционер, Коммунистик партиянинг ва жаҳонда биринчи социалистик давлатнинг асосчиси В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги муносабати билан КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советига меҳнаткашлардан, корхона ва қурилишларнинг, совхоз ва колхозларнинг, Совет Иттифоқи ташкилотлари ва муассасаларининг коллективларидан жуда кўп қутлов ва табрикномалар келди. Коммунистик ва ишчи партиялардан, миллий-демократик партиялар ва ташкилотлардан, сўл социалистик партиялардан, чет мамлакатларнинг ҳукуматлари, давлат арбоблари, жамоат ташкилотлари ва айрим гражданларидан ҳам қутлов ва табрикномалар келди.

Қутлов ва табрикномаларда социализм ва коммунизм қуриш ишида, халқларнинг империализмга қарши, миллий озодлик учун, демократия, тинчлик ва социализм учун курашида В. И. Ленин ва ленинизмнинг ҳамиша катта роль ўйнаётганлигига юксак баҳо берилмоқда. Бу қутлов ва табрикномалар Ленин ғоялари ер курраснинг энг узоқ бурчакларига кириб борганлигини, бу ғоялар ҳозирги дунё тараққиётига жуда чуқур таъсир ўтказаётганлигини кўрсатиб турибди. Мана шу табрикномалар ва қутловларда КПСС ва Совет давлатининг ички ва ташқи сиёсатига, совет халқининг коммунистик қурилишда эришган ютуқларига, КПССнинг халқаро коммунистик ҳаракат бирлиги учун курашдаги позициясига юксак баҳо берилган.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги муносабати билан совет халқи ва КПССни қутлаганликлари, табриклаганликлари ва уларга эзгу — истаклар билдирганликлари учун Совет Иттифоқидаги партия, совет ва жамоат ташкилотларига, корхоналар, қурилишлар, колхозлар, совхозлар ва муассасаларининг коллективларига, меҳнаткашларга, чет мамлакатлардаги коммунистик ва ишчи партияларга, миллий демократик партияларга ва ташкилотларга, сўл социалистик партияларга, ҳукуматларга, давлат арбоблари ва сиёсий арбобларга, жамоат ташкилотлари ва айрим гражданларга чин кўнгилдан миннатдорчилик ва ташаккур изҳор қиладилар.

КПСС МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ — СССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИ — СССР МИНИСТРЛАР СОВЕТИ

БАҲОР, ТИНЧЛИК, МЕҲНАТ БАЙРАМИ

Тошкент меҳнаткашларининг биринчи май намойиши

Бу йилги биринчи май байрамида инкилоз улуғ воқеанинг — Ленин юбилейининг ва Улуғ Ватан урушида совет халқи қозонган ғалабанинг яқинлашиб келаётган чорак асрлик байрамининг таъсирли равишда кўриниб турибди. Ленин даҳоси билан ўзгариб кетган, совет кишиларининг шижоати туфайли фашизм қуллигидан қутқариб олган бутун ер юзи халқлари нишонлаётган баҳор байрами тағин ҳам ёркин, қувончли байрамга айланди.

...Шу куни қизил байроқлар жаҳонни ёлқин ёлаётган қуёш каби ёритиб юборгандек бўлди. Аммо қуёш ҳам карнайлар садосига жавоб бергандек бўлиб одамлардан қолишмаслик учун ўзининг олтин нурлари билан байрамни нурафшон қилди.

Халқларнинг ленинча дўстлиги туфайли вайронлардан қад кўтарган Тошкент шаҳри мана шу тонг отар пайтида жуда ҳам гўзал! 1970 йил баҳорининг кўпгина нишоналари орасида янги йўллар ҳам кўзга ташланиб турибди. Биринчи май колонналари пойтахтнинг Марказий майдонига мана шу йўллардан етиб келишди. Байрам юришида қатнашувчилар янги кварталлардан, қайта яшариб ҳусн тўлган маҳаллалардан, янги заводларнинг корпусларидан ва мактаблардан жилғалар каби оқиб келиб, азим дарёга айланди, бамисоли одамлар денгизи бўлиб Ленин майдонига кенг ёйилди.

...Соат 10 га яқинлашмоқда. Ленин монументидаги минбарга КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари **Ш. Р. Рашидов**, Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети Бюросининг аъзолари ва бюро аъзолигига кандидатлар **И. Г. Анисимкин, Р. Қурбонов, В. Г. Ломоносов, Н. М. Матчонов, М. М. Мусахонов, Ё. С. Насриддинова, Р. Н. Нишонов, М. А. Абдураззоқов, С. Р. Расулов, М. Т. Турсунов**, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети Раисининг биринчи ўринбосари **Т. Н. Остров** чиқиб келадилар.

Трибуналарда — СССР ва Ўзбекистон ССР Олий Советлари депутатлари, республика министрлари, Туркистон ҳарбий округининг саркардалари, саноат ва қишлоқ хўжалигининг илғорлари ва новаторлари, таниқли фан ва маданият арбоблари, Ўзбекистон пойтахтининг меҳнатчилари.

Фанфаралар янграйди: «Ҳамма ингиз қулоқ солинглар!» Шу дақиқаларда радио ва телевидение Ленинг майдонини бутун Ўзбекистонга кенг очиб қўйгандек бўлди...

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитетининг биринчи секретари Ш. Р. Рашидов биринчи май намойиши қатнашчиларига Ўзбекистоннинг барча меҳнаткашларига табрик нутқи билан мурожаат қилади.

ЛЕНИНИЗМ — БИЗНИНГ БАЙРОҒИМИЗ

Қизил майдонда биринчи май митинги ва намойиши

Планетамизга биринчи май келди. Бу — ҳамма қитъалардаги меҳнаткаш халқларнинг байрами, империализмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун курашда меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик байрами. Мана ярим асрдан кўпроқ вақтдан бери Москванинг Қизил майдони — бу байрамнинг маркази, асосий майдони бўлиб қолди.

Кўп миллионли совет халқи москваликлар билан бирга мана шу ерда, Қизил майдонда ўзининг коммунистик қурилишдаги ғалабалари тўғрисида рапорт беради. Бу ғалабалар — ленинизмнинг тантанаси, Ленин барпо қилган Коммунистик партия, унинг Марказий Комитети ҳормай-толмай олиб бораётган сиёсий ва ташкилотчилик ишларининг натижаси. Совет кишилари партия белгилаб берган программани бажара бориб, ўзлари ҳормай-толмай қилаётган меҳнат билан, ўзларининг қаҳрамонона ғайратлари билан бутун дунё меҳнаткашларига янги дунё йўлини — коммунизм дунёси йўлини очиб бермоқдалар.

Қизил майдон байрам либосида. Қадимий Кремль деворида — СССРнинг Давлат герби ва иттифоқдош республикаларнинг гербилари. Давлат универсал магазини (ГУМ) пештоқининг қоқ ўртасида — Маркс, Энгельс, Ленининг ёнма-ён туширилган портрети. Унинг ёнида «Бутун дунё пролетарлари бирлашингиз!», «Коммунизм енгади!» деган мавзуни ифодаловчи панорамалар.

Тарих музейининг пештоқида — ишчиларнинг легионларига бош бўлиб бораётган байроқдорнинг азамат гавдаси. Яна шу музейнинг деворидаги паннога бутун дунё коммунистларининг бирлиги ва жипслигини марксизм-ленинизм асосида мустаҳкамлашга чақирувчи сўзлар ёзилган.

Тантанали дақиқалар яқинлашмоқда. Пойтахт заводлари ва фабрикаларининг, қурилишлар ва олий ўқув юртларининг, Москва областининг колхозлар ва совхозларининг вакиллари, фан ва маданият арбоблари, машҳур совет космонавтлари, фахрий меҳмонлар трибуналарни лиқ тўлдирган. Чет эллардан келган меҳмонлар ҳам шу ерда. Буларнинг кўплари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган тантаналарда қатнашган эди. Дипломатик корпус аъзолари ҳам шу ерда. Социалистик мамлакатларнинг вакиллари, жаҳон касаба союз федерациясининг, бутун Африка касаба союзлари федерациясининг, араб касаба союзлари халқаро конфедерациясининг, Латин Америкаси меҳнаткашлари касаба союз бирлиги доимий конгрессининг вакиллари ҳам шу ерда. 90 дан кўпроқ хорижий касаба союз ва ишчи делегациялари москваликлар билан бирга биринчи майни Қизил майдонда кутиб олмоқдалар.

Қизил майдонда одамлар денгизи тўлқинланиб турибди. Бу ерда минг-минглаб илғорлар, ишлаб чиқариш новаторлари. Ленин юбилейи шарафига ўтказилган социалистик мусобақа ғолиблари тўпланишган.

Бугун Москва, бутун мамлакат Ленин васиятларига содиқлик рапортини бермоқда. «Ленинизм — бизнинг байрогимиз», «Ленинизмга содиқмиз», «Ленин иши яшамоқда ва ғалаба қилмоқда», «Ленин йўлидан олга» — деган сўзлар байрам транспарантларида кўзга ташланади.

Майдонда тўхтовсиз қарсаклар узоқ янграйди. **Л. И. Брежнев, Г. И. Воронов, А. П. Кириленко, А. Н. Косыгин, К. Т. Мазуров, А. Я. Пельше, Н. В. Подгорный, Д. С. Полянский, М. А. Суслов, А. Н. Шелепин, Ю. В. Андропов, В. В. Гришин, П. Н. Демичев, И. В. Капитонов, К. Ф. Катушев, Ф. Д. Кулаков, Б. Н. Пономарев, М. С. Соломенцев** ўртоқлар Мавзолейнинг марказий трибунасига чиқадилар.

Совет ҳарбий саркардалари, шунингдек Куба Республикаси Бош министрининг ўринбосари, революцион Куролли Кучлар министри майор Раул Кастро Рус ҳам шу ерда.

Табриклар, «КПССга шон-шарафлар!», «Улуғ Ленинга — шон-шарафлар!» деган хитоблар янграйди.

Эрталаб соат 10. Бутуниттифоқ радиосининг «Бепоён кенг ватаним» куйи янграйди. Спасский минорасидаги соатлар бонг уради.

Москва меҳнаткашлари вакилларининг халқаро байрам биринчи майга бағишланган тантанали митинги бошланади.

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Л. И. Брежнев меҳнаткашларга мурожаат қилиб нутқ сўзлайди. Майдонда тўпланган минг-минглаб кишилар уни қизғин давомли олқишлар билан кутиб оладилар.

ЎРТОҚ Л. И. БРЕЖНЕВ НУТҚИ

Азиз ўртоқлар!

Чет эллардан келган азиз дўстларимиз!

Ҳурматли меҳмонлар!

Меҳнат аҳилларининг жаҳоншумул байрамини, жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларини ўзининг қўли, ақли, таланти билан яратаётган ва кўпайтараётган кишиларнинг байрамини нишонламоқ учун яна шу майдонга тўпландик.

Биринчи май байрами — меҳнаткашлар халқаро бирдамлигининг жанговар кўриги. Бу байрам — улар эксплуатацияга ва зулмга қарши, миллий мустақиллик, демократия ва тинчлик учун, буюк социализм ғояларининг тантанаси йўлида олиб борилаётган курашда бирликка бўлган иродаларининг улуғ намойиши.

Бу йилга биринчи май алоҳида маънога, алоҳида аҳамиятга эга. Маркс ва Энгельс таълимотининг геннал даҳоси, энг улуғ социал революциянинг илҳомчиси ва ташкилотчиси, бутун дунё меҳнаткашларининг йўлбошчиси ва устози Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг юз йиллигини кени кеча халқимиз қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари, бутун тараққийпарвар инсоният кенг ва тантанали нишонладилар. Ленин юбилейи жаҳоншумул сиёсий аҳамиятга эга воқеага, ленинизм ғояларининг чинакам тантанасига айланди. Шу кунларда ҳамма қитъаларда юз миллионлаб кишилар Ленининг ўлмас ишига содиқ бўлишга қасамёд қилдилар, бутун дунёда коммунизм ғалабасига Ленин йўлидан боришга ўзларининг маҳкам бел боғлаганликларини яна бир марта таъкидладилар!

Ленин юбилейи шарафига бўлаётган мусобақада миллион-миллион совет меҳнатчилари, илғор коллективлар, кўпгина область ва республикалар халқ ташаббускорлигида, ишлаб чиқаришни моҳирлик билан ташкил этишда, фан ва техника муваффақиятларидан дадил фойдаланишда, социалистик меҳнат интизомида битмас-туганмас зўр куч борлигини очиқ кўрсатишди.

Коммунизм қурувчиларнинг биринчи сафларида бораётган ишчиларимиз, колхозчиларимиз, зиёлиларимизга шон ва шарафлар бўлсин! Мана шу меҳнат ва ижодкорлик байрами кунида халқ бахт-саодати йўлида фидокорона меҳнат қилаётган аввало мана шу меҳнатчиларга миннатдорчилик ва ҳурматимизни изҳор қиламиз!

Ўртоқлар! Биринчи майнинг қизил байроқларида «меҳнат» сўзи «тинчлик» сўзи билан чамбарчас бўлиб боғланган. „Совет кишилари урушнинг нималигини яхши билишади. Шунинг учун ҳам тинчликнинг қадрига етади. Улуғ Ватан урушида совет халқи шонли ғалабасининг 25 йиллиги арафаси бўлиб турган шу кунларда буни айтиб ўтиш ўринлидир. Шу ерда, мана шу майдонда буни айтиб ўтиш ўринли, зеро Москванинг ҳимоячилари 1941 йил ноябрининг даҳшатли кунларида мана шу майдондан ўтиб, фронтга жўнаб кетишган эди. Буни Мавзолей минбарида турибаётган халқлар империализмга қарши, тинчлик, миллий мустақиллик, социал тараққиёт, демократия ва социализм учун муштарак курашда бирлашингиз!» деган шиор бу кун ер юзида баралла янграсин!

Азиз ўртоқлар, дўстлар!

Совет Иттифоқи Коммунистик партияси Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва Совет ҳукумати номидан барча ишчилар, колхозчилар, фан ва маданият арбобларини, муассасаларининг ходимларини, Совет Армияси ва Ҳарбий-Денгиз Флотининг жангчиларини, ҳурматли меҳмонларимизни меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик байрами биринчи Май куни билан чин кўнгилдан қутлашга изжозат бергайсиз!

Яшасин улуғ совет халқи!

Яшасин ленинчи Коммунистлар партияси!

Марксизм-ленинизм байроғини, пролетар интернационализм байроғини баланд кўтарайлик!

(Ўртоқ Л. И. Брежнев нутқи зўр эътибор билан тингланди ва бир неча марта гулдурос давомли қарсаклар билан бўлиниб турди).

Пролетар гимнининг илҳомбахш садолари янграйди. Бутун майдон «Интернационал»ни айтади.

Байрам юришини байроқдорлар бошлаб боради. Улар митинг қатнашчиларининг сафларига кириб келиб бутун майдонни лиқ тўлдирадилар.

(Давоми иккинчи бетда).

ЎРТОҚ Ш. Р. РАШИДОВ НУТҚИ

Азиз ўртоқлар ва дўстлар!

Ленин туғилган кунининг юз йил лигидан кейин кетма — кет бай рам қилинмоқда.

Шонли Ленин юбилейини Со вет Иттифоқи халқлари, қардош социалистик мамлакатларнинг халқлари, халқаро ишчилар сини фи, бутун прогрессив инсоният кенг ва тантанали равишда нишонладилар. Шу кунларда Ленин номи бутун планетада революцион курашга чақирувчи даъват бўлиб янгради. Улуғ йўлбошчи ю йиллигининг байрам қилинганлиги

(Давоми иккинчи бетда).

В. И. ЛЕНИН ТУҒИЛГАН КУННИНГ ЮЗ ЙИЛЛИГИ ШАРАФИГА ЎТКАЗИЛГАН БУТУНИТТИФОҚ КОММУНИСТИК ШАНБАЛИГИ ЯКУНЛАРИ ТЎҒРИСИДА ССР МАРКАЗИЙ СТАТИСТИКА БОШҚАРМАСИНИНГ

АХБОРОТИ

В. И. Ленин туғилган кунининг юз йиллиги шарафига ўтказилган Бутуниттифоқ коммунистик шанбалигида 119,2 миллион киши қатнашди, шу жумладан:

саноатда — 27,2
қурилишда — 6,4 „ „
транспортда — 5,9 „ „
совхозларда ва давлатга қарашли бошқа қишлоқ хўжалик корхоналарида — 8,1 „ „
колхозларида — 13,6 „ „
аҳоли яшайдиган жойларни обод қилиш ишлари ва бошқа ишларда — 58,0 „ „

Шанбалик вақтида маҳсулотларнинг турли хиллари — кўмир, автомобиль, трактор лар ва бошқа қишлоқ хўжалик машиналари, саноат ускуналари, қурилиш материаллари ва ёғоч тахта, халқ истеъмоли товарлари — газлама, трикотаж буюмлар, пойафзал, озиқ-овқат маҳсулотлари, телевизор, холодильник, электропилесослар ва бошқа буюмлар кўп миқдорда ишлаб чиқарилди. Шанбалик вақтида жами 600 миллион сўмлик саноат маҳсулоти ишлаб чиқарилди. Узлуксиз ишлаб турган корхоналарнинг маҳсулотлари бу ҳисобга кирмайди.

ТОШКЕНТДА 1 МАЙ ШОДИЁНАЛАРИ



Суратларни фотомухбиримиз А. Абалян олган.

ЛЕНИНИЗМ БИЗНИНГ БАЙРОҒИМИЗ

Боши биринчи бетда).

Қизил алвонга «Ленинизм бизнинг байроғимиз!» деган сўзлар ёзилган. Машинага Владимир Ильичнинг портрети ўрнатилган.

Намойишчилар «Шон-шарафлар бўлсин!» деган хитоб сўзлари қайта-қайта такрорланган шиорларни кўтариб ўтадилар. Бу шиорлар меҳнат ва фан аҳлига, беш йиллик қаҳрамонларига, маданият ва санъат арбобларига қаратилган.

«КПСС Марказий Комитетининг 1969 йил декабрь Пленуми қарорларини амалга оширамиз!»—бу шиор Советлар мамлакатидаги барча меҳнаткашларнинг интилишини ифодаловчи шиордир. Бу шиорнинг мазмунини меҳнат унумдорлигини оширишга, халқ хўжалигида иқтисодий тежамкорликни кучайтиришга, ишлаб чиқариш резервларидан яхшироқ фойдаланишга даъват этувчи кўпдан-кўп транспарантлар янглатиб, унга қўшимча қилиб турибди.

Колонналар устида иттифоқдош республикаларнинг байроқлари билан ўраб олинган СССР Давлат герби пайдо бўлади. Мамлакатимиздаги қон-қардош барча халқларнинг вакиллари миллий кийимкечакда ўтадилар. Улар бир-бирларининг қўлларини маҳкам ушлашиб Совет республикалари — бузилмас дўстлигининг, леннича миллий сиёсат тантанасининг жонли рамзи сифатида ўтадилар.

Қизил байроқлар билан ўраб олинган «Ғалаба» орденининг тасвири оҳиста сузиб боради. Қизил байроқлар қатори ўзгариши билан кўхна тош йўлда юлдуз ярқираб кўринади. Вақт тарих хотираси олдида чекингандек бўлади: юлдузнинг қоқ ўртасида ҳалоскор жангчи монументи жонланади. Бу ҳалоскор солдатнинг бир қўлида шамшир, бир қўлида эса қизилоқ. Берлиндаги Трептов—паркда бронза ва гранитдан ишланган ҳалоскор солдат ана шундай турибди. Жаҳонни фашизмдан қутқарib қолганлиги учун совет солдатини миннатдор инсоният ана шу тахлитда абадий унутмайди.

Бундан чорак аср муқаддам совет жангчилари Берлин устида ғалаба байроғини ўрнатган эдилар. Мана ҳозир ҳам шаҳдам қадам ташлаб бораётган кишилар — Рейхстагни штурм қилиш иштирокчилари Совет Иттифоқи Қаҳрамонлари М. А. Егоров, М. В. Кантария, К. Я. Самсонов ўша байроқни кўтариб бормоқдалар. Уларнинг кетидан парадда саф тортиб Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флоти қўшин турларининг ҳар хил бўлинмалари ўтади.

ДОСААФ спортчилари, Ленин пойгадами етган ва революция бўлиб ўтган жойларга, жанговар ва меҳнат шуҳрати жойларига юриш қилган пионерлар билан ўқувчилар ўтиб боришмоқда.

Сафлар устида Қизил байроқлар ҳилпирайди. Ўртадаги паннога: «Ленин ғоялари яшамоқда ва ғалаба қозонмоқда» деган сўзлар ёзилган ва ер шарининг лента билан ўраб олинган макети ўрнатилган. Бу ленталарга турли тилларда «Ленин» деган сўз ёзилган. Бу ном барча халқларга азиз ва тушунарлидир.

Намойишчилар баланд кўтариб бораётган қуйидаги шиорларда ер юзидаги барча софдил кишиларнинг иродаси ифодаланганди:

— америкалик империалистлар Вьетнамдан жўнаб қолинг!

— Исроил агрессорлари араб ерларидан жўнаб қолинг!

«СССР—тинчлик ва социализм таянчи» деган макет кўзга ташланади. Унинг устида ўроқ ва болға тасвирланган. Булар меҳнат аҳли бузилмас иттифоқининг тимсолидир.

Майдон бағрига шодиёна қичқириқлар билан болалар кириб келадилар.

Майдон узра ёш ленинчиларнинг табрик сўзлари янграйди:

— жонажон Совет Иттифоқи Коммунистик партиясига шон-шарафлар! Шон-шарафлар! Шон-шарафлар!

Намойишнинг энг ёш иштирокчилари мавзолей томонга қараб йўл оладилар. Болалар марказий минбарга югуриб чиқиб Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларига гуллар тақдим этишади.

Қип-қизил байроқлар денгизи устида: «Коммунизм ғалаба қозонади» деган сўзлар пайдо бўлади. Майдондагилар қуйидаги сўзларни баланд овоз билан янгратади:

Ленинчи партия Марказий Комитетига шон-шарафлар!

Намойиш қатнашчилари бош-қошларида «Партия—бизнинг дарғамиз» деган қўшиқ янграйди.

Москва меҳнаткашларининг байрам марши бошланади. Колонналар Қизил майдонга қудратли тўлқиндек кириб келади. Намойишчилар қўлларида Маркс, Энгельс, Ленин портретларини кўтариб олишган. Сафлар устида КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзоларининг портретлари бор. Машиналардаги гоят ёркин, чиройли панноларга «Москва—қаҳрамон шаҳар», «Москва рапорт бермоқда» деган сўзлар ёзилган. Ғалаба рақамлари ҳам тасвирланган:

— москваликлар Ленин юбилейини кутиб олар эканлар, меҳнат унумдорлигини ошириш юзасидан беш йиллик топшириғини бажардилар:

— Пойтахт меҳнаткашларидан 300 мингдан ортиқроқ киши шахсий беш йиллик топшириғини бажарди:

1970 йил—Ленин юбилейи йили, партиянинг навбатдаги съезди йили. Беш йилликнинг якунловчи йили зарбдор меҳнат йили бўлиб қолсин!— москваликларнинг бу қизғин чақириғи бугунги кунда Ватанимизнинг ҳамма ерларида қўллаб-қувватланмоқда.

Москва давлат университети студентлари ўзларининг ўқишда эришган ютуқларини ёркин ва аён қилиб кўрсатди. Ер қуррасидаги юз миллионлаб кишилар ленинизмга содиқ бўлиб қолишга қасамёд этдилар, бутун дунёда коммунизм ғалабаси сари Ленин йўлидан боришга ўзларининг тайёр эканликларини намойиш қилдилар.

Совет кишилари В. И. Ленин туғилган кунни экономика, фан ва маданиятни ривожлантиришдаги янги ютуқлар билан нишонладилар.

Ўзбекистон меҳнаткашлари, шу жумладан Тошкент шаҳрининг меҳнаткашлари севикли йўлбошчисининг юбилейига ва биринчи май байрамига муносиб тортиқ ҳозирладилар. Республикамиз ва унинг пойтахтидаги саноат, қурилиш ташкилотларининг ҳодимлари бу йилги тўрт ойининг ишлаб чиқариш планларини муддатидан олдин бажаришди. Транспорт, алоқа, коммунал хўжалик, савдо ва маиший хизмат ходимлари янги марраларга эришдилар.

Қишлоқ хўжалик механизаторлари кўламли экишни муваффақият билан тугалладилар, мўл ҳосил олиш учун, деҳқончилик ва чорвачиликни янада юксалтириш учун мустаҳкам замин тайёрлаб қўйдилар.

Республика зиёлилари ишчилар ва колхозчилар билан бир сафда бормоқда. Улар совет фани ва техникасини, маориф ва соғлиқни сақлашни, адабиёт ва санъатни ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшмоқдалар.

Жамиятнинг моддий ва маънавий бойликларини ўзининг қўли, ақли ва заковати билан яратиб бораётган қаҳрамон ишчилар синфимизга, шонли колхозчи деҳқонларимиз ва зиёлиларимизга шон ва шарафлар бўлсин!

Ўртоқлар! Бу йилги биринчи май улуғ Ватан урушидаги шонли ғалабамизнинг 25 йиллиги арафасида байрам қилинаётганлиги учун ҳам алоҳида аҳамиятга эга. Совет халқи ва унинг шавкатли қуролли кучларининг фашизм устидан қозонган ғалабаси фақат мамлакатимиз тақдиридагина эмас, шу билан бирга бутун инсоният тақдирида ҳам жуда катта роль ўйнади. Бу ғалаба кўпгина мамлакатларнинг халқларига эркинлик ва мустақиллик олиб келди, революцион кучларнинг ўсиши учун янги қулай шароит вужудга келтирди, жаҳон тарихининг бундан буёнги боришини кўп жиҳатдан белгилаб берди.

Ўтган чорак аср мобайнида жаҳон социалистик системаси вужудга келди ва мустаҳкамланди, қудратли тўлқини мустамлакачилик қуллигининг империалистик системасини супириб ташлади ва ер куррасида 70 дан кўпроқ янги мустақил давлат вужудга келди.

Капитал мамлакатларида ишчилар синфи ва барча меҳнаткашларнинг эксплуатация ва зулмга қарши, тинчлик, демократия ва социализм учун кураши ўсиб ва кенгайиб бормоқда. Халқаро коммунистик ҳаракат бениҳоя ўсди ва унинг сафлари мустаҳкамланди, эндиликда у ҳозирги замоннинг энг нуфузли сиёсий кучига айланди.

Ҳозирги вақтда асосий революцион кучларнинг ҳаммаси бир оқим бўлиб қўшилиб, тобора зўр кучга айланмоқда, ўзининг куч ва ғаятини бирлаштирмоқда, ўз сафларини марксчи-ленинчи партиялар теварагида жипслаштирмоқда.

Коммунистларнинг жанговар шиори:

— Социалистик мамлакатларнинг ҳалқлари, капитал мамлакатларидаги пролетарлар, барча демократик кучлар, озодликка эришган халқлар ва эзилиб ётган халқлар империализмга қарши, тинчлик, миллий мустақиллик, социал тараққиёт, демократия ва социализм учун муштарак курашда бирлашингиз! деган шиор ҳозирги кунда яна зўр куч билан жаҳон узра янграмоқда.

Мана шу нурафшон биринчи май байрами кунида биз, совет кишилари янги турмуш қураётган социалистик мамлакатларнинг халқларига қардошларча жанговар саломимизни йўллаймиз!

Капиталга қарши, эски ва янги мустамлакачиликка қарши кураш олиб бораётган Коммунистик ва ишчи партияларга, пролетарларга, барча меҳнаткашларга қизғин салом йўллаймиз!

Қаҳрамон Вьетнам халқига, араб мамлакатларининг халқларига, кўлига қурол олиб эркинлик ва миллий мустақилликни ҳимоя қилаётганларнинг ҳаммасига самимий саломлар йўллаймиз, уларнинг адолатли курашига ўзимизнинг бирдамлигимизни изҳор қиламиз ва муваффақиятлар тилаймиз.

Ўртоқлар, дўстлар!

Ўзбекистон Коммунистик партияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва республика Министрлар Совети номидан сиз, азиз тошкентликларни ва пойтахтимиз меҳмонларини республиканинг барча ишчилари, колхозчилари, фан ва маданият арбоблари, муассаса ва ўқув юртларининг ходимларини, студентлар ва ўқувчиларни, Туркистон ҳарбий округининг жангчиларини меҳнаткашларнинг халқаро бирдамлик куни — биринчи май байрами билан чин кўнгилдан қутлашга ижозат бергайсиз!

Ватан бахт-саодати йўлида, коммунизм тантанаси йўлида сизларга сиҳат-саломатлик, бахт-саодат ва самарали меҳнатингизда янги муваффақиятлар тилашга ижозат бергайсиз!

Пировардида ўртоқ Ш. Р. Рашидов, яшасин улуғ ватанимиз Совет Социалистик Республикалари Иттифоқи, коммунизм қураётган совет халқига шон-шарафлар, барча ғалабаларимизнинг илҳомчиси ва ташкилотчиси бўлган ленинчи коммунистлар партиясига шон-шарафлар, деб хитоб қилди.

Партия гимни «Интернационал» тантанавор янграйди. Меҳнаткашларнинг юриши бошланади.

* * *

Биринчи май колонналари баҳор фаслининг ранг-баранг бўёқларини ўзига сингдириб олганга ўхшайди—улар ўзида қипқизил лола ва қизғалдоқлар тусини акс эттириб, гуркираб ўсган майсадек товланмоқда. Лекин байроқларнинг қизил туси ҳамма бўёқларни босиб кетгандек алвон бўлиб жилваланади. Илмий коммунизм асосчилари Маркс, Энгельс, Ленининг бутун дунё меҳнаткашлари қалбида интернационализм ва бирдамлик ҳислари оловини ёққан, пролетариатнинг қудратли қуролини—буюк ғалабалар стратегиясини тоблаган улуғ сиймоларнинг портретлари туширилган байроқларни бутун Қизил майдон гулдурос қарсаклар, табрик хитоблари билан кутиб олди.

Тошкентдаги намойиш марксизм-ленинизмнинг қудратли кучини, совет кишилари қилаётган бунёдкорлик меҳнатининг улуғворлигини яна бир марта акс эттирди. Ҳар бир меҳнаткаш шу кунга атаб, ватан учун ўзининг энг яхши туҳфасини тайёрлади. Ленин вахтасида ва май олди мусобақасида қатнашган минг-минглаб меҳнаткашларнинг фикри, меҳнати, ижоди катта ишларда намоён бўлди.

...Трактор заводи коллективи биринчи майга атаб пландан ташқари юзта «пўлат от» тайёрлаб берди. «Ташсельмаш» заводининг ишчилари эса, шу отларни жаҳонда энг кучли «Ўзбекистон» пахта териш машиналарига «қўшиб» қўядилар. Бу пахта териш машиналарининг ҳар бири юз теримчининг ишини бажара олади.

...Тошкент тепловоз депосининг машинистлари тежалган ёнилғи билан қўшимча яна чорак миллион тонна хилма-хил юкларни поездларда ташиб беришди.

...Тошкент тўқимачилик комбинати янги хил газламани ўзлаштирди.

...Тошкент кабелчилари троллейбус сими ясаш учун ишлатиладиган мисни узликсиз қўйиш ва прокат қилиш методини жаҳонда биринчи бўлиб ўзлаштирдилар.

Тошкентдаги намойиш қатнашчилари юзлаб меҳнат рапортларини кўтариб ўтишди. Шу билан бирга Ўзбекистоннинг ҳамма шаҳарларидан ҳам пойтахтга яна юзлаб шундай рапортлар келди: Европа билан Осиё қитъасидаги энг катта фабрика ҳисобланган Ўзмашлаб шундай фабрика ишга тушди, Чирчиқда янги химиявий аппаратларни ишлаб чиқариш ўзлаштирилди, Наманган химиклари ўз маҳсулотларига сифат белгиси қўйиш ҳуқуқини олдилар, Шерободда бир неча ўн минг гектар кўрик ерни суғорадиган насос станцияси ишга тушди. Сирдарё бўйида, Ленин декрети билан 1918 йилнинг майида чўлга ҳужум қилиш бошланган жойнинг ўзида эса, Шарқдаги энг катта иссиқлик электр станциясининг беш корпуси қурила бошлади.

Бу рўйхати бениҳоя давом эттириш мумкин. Айниқса қувончли нарса шуки, байрам рапортлари ҳар куни қилинаётган ишларнинг натижаларидан дарак бермоқда. Республика босиб ўтган йўлга қайтилиб қарар эканмиз, республикамиз дадил қадам ташлаб бораётганлигини кўриб қувонар эканмиз, халққа қанот бахш этган, унга бағишланган куч берган Коммунистик партиянинг, Совет ҳокимиятининг улуғлигини ва донолигини қайта-қайта ҳис қиламиз.

Намойишчилар кўтариб ўтаётган транспарантларда тўлқинлантирувчи сўзлар Совет Ўзбекистони ишчилар синфининг, колхозчи деҳқонларининг, шонли зиёлиларининг ажойиб ишлари ва планларини ҳикоя қилиб бермоқда. Тўрт йиллик планни ва социалистик мажбуриятларни муваффақиятли бажарган заводлар ва фабрикалари, экономика, техника тараққиёти, маданият проблемаларининг жуда кенг доирасини олиб ўз ижоди билан ҳал қилиб бераётган илмий тадқиқот институтларининг коллективларини майдонда тўпланганлар қарсаклар билан кутиб оладилар.

Оталари ва акалари бошлаган ишларни давом эттириш лозим бўлган ёш авлод шарафига табрик хитоблари янграйди. Ўзбекистоннинг юз минглаб ёш ишчилари, колхозчилари, студентлари, ўқиш ва меҳнатда ленин синовидан шараф билан ўтдилар.

Спортчиларнинг йиғма колоннаси намойишчилар юришининг гўзал якуни бўлди.

Биринчи май намойиши партия билан халқнинг бирлигини совет кишилари ўзларининг куч ва ижодларини коммунизм ишига бағишлашга тайёр эканликларини яна бир марта яққол кўрсатди.

...Кечқурун тошкентда биринчи май солюти ярқиради.

(ЎзТАГ).

БАҲОР, ТИНЧЛИК, МЕҲНАТ БАЙРАМИ

(Боши биринчи бетда).

Ленининг ўлмас ғоялари жаҳон узра зафар топаётганлигини, бу ғояларнинг енгилмас кучи ва ҳаётбахш қудрати ҳақида гапирди.

А. Н. КОСИГИННИНГ ҲИНДИ-ХИТОЙ ХАЛҚЛАРИ ВАКИЛЛАРИ КЕНГАШИ ҚАТНАШЧИЛАРИГА ТЕЛЕГРАММАСИ

Маълумки, 24—25 апрелда Ҳинди-Хитой халқлари вакилларининг кенгаши бўлиб ўтган эди. СССР Министрлар Совети Раиси А. Н. Косигин кенгаш қатнашчиларига қўйидаги телеграммани йўллади:

«Миллионларча вьетнамликлар, лаосликлар ва кхемерларнинг ирода ва туйғуларини ифода этувчи Ҳинди-Хитой халқлари вакиллари кенгашининг қатнашчиларини Совет Иттифоқи халқлари ва ҳукумати номидан қизғин табриклайман.

Америка империалистик доиралари турли сиёсий найранглар ишлатиб Ҳинди-Хитой ярим оролидаги мамлакатларга қарши қуролли игвогарлик йўлига ўтган бир шароитда кенгашга тўпланди. Ана шу қуролли игвогарлик мазкур райондаги вазиятни янада кескинлаштириб юборди. Америка агрессиясига қатъий зарба берган Жанубий Вьетнам ватанпарварларига ўз шатрларини қуроп кучи билан қабул қилдиришдан ожиз бўлган Америка ҳарбийлари эндиликда Вьетнамдаги миллий ватанпарвар кучларни яккалаб қўйиш ва зайфлаштириш учун Жанубий Вьетнам ён бағридан — Лаос ва Камбоджа территориясидан зарба беришга уринмоқдалар. Камбоджадаги сўнгги воқеалар, жумладан, тинч аҳолига қарши оммавий репрессиялар империалистларнинг бир халқни иккинчи халққа қарши гиж-гижлатишга, урушни «вьетнамлаштириш»дан иборат машъум сиёсатни бутун Ҳинди-Хитойга ёйишга, АҚШ империалистик доирларининг манфеатларини кўзлаб «осиёликларни бир-бирларини ўлдиришга мажбур этишга ошкора интилаётганликларини кўрсатади.

Совет давлатининг асосчиси Владимир Ильич Ленин башорат қилиб айтганидек, социализм кучларининг қудратли мададига таянувчи Осиё, Африка ва Латин Америкаси халқларининг антиимпериалистик кураши жаҳонни революцион асосда янгилаш жараёнида тобора катта рол ўйнамоқда. Вьетнам халқининг фидокорлиги ва қаҳрамонлиги, Лаос ватанпарварларининг мардлиги ва жасорати, империалистларнинг аралашувига Кхмерларнинг кўрсатаётган қаршилиги бу курашга қўшилган муносиб ҳисса бўлиб, ўз озодлиги ва мустақиллигини қаттиқ туриб ҳимоя қилаётган бошқа халқлар учун илҳомбахш намунадир.

Кенгаш қатнашчиларининг ўз мамлакатлари халқлари бахт-саодати йўлида муваффақиятли ва самарали ишлашларини тилайман. Шу нарсага аминманки, сизнинг фаолиятингиз натижасида Ҳинди-Хитой халқларининг ягона антиимпериалистик фронти тобора мустаҳкамланади. Бу фронт империалистларнинг агрессив планларини барбод этишда, шубҳасиз, муҳим роль ўйнайди.

Кейинги йилларнинг тажрибаси мустаҳкам бирлик ва жипслик бўлган жойда империализм муқаррар мағлубиятга учраяжагини яққол исбот этади».

ОБЛАСТИМИЗДА БАЙРАМ ШОДИЁНАСИ

БЕКОБОД

Шаҳар саноатчилари В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақани давом эттириб, халқаро бирдамлик куни — 1 Май байрамини меҳнатда муносиб совғалар билан кутиб олдилар. Тўрт ойлик план 25 апрелдаёқ тўла-тўкис бажарилди. Планга қўшимча равишда кўплаб пўлат ва прокат, цемент ва электр энергияси ишлаб чиқарилди.

Шаҳар бинокорлари ҳам 1 Май байрамига ажойиб совға билан келдилар. 35 минг том китоб сигадиган кутубхона, 140 ўринли болалар боғчаси, ҳар бири 48 квартирали 5 та турар-жой биноси фойдаланишга топширилди. Кўплаб бекободликлар бу уйларга кўчиб кириб ҳовли тўйлари ўтказишди.

... Байрам куни шаҳар одатдагидан эрта уйғонди. Алвонлар ва байроқлар билан безатилган кенг-кенг кўчалар ўзгача файзда эди. Ҳар томондан баҳор гулларининг хушбўй ҳидлари келиб димоққа урилади.

Эрталаб соат 10, Ленин майдони шаҳарликлар, узоқ яқиндан келган меҳмонлар билан гавжум. Музика садолари остида байрам намойиши бошланади. Намойишчилар орасида шаҳарнинг энг кичик граждандлари ҳам, ишлаб чиқариш новаторлари ва спортчилари ҳам, знёлилар ва бинокорлар ҳам бор. Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Саид Нуриддинов, цемент комбинатининг ветеран ишчиси М. Бабкова, Ленин номидаги мактабнинг ўқитувчиси Р. Гаппасова ва бошқа ўртоқлар намойишчилар сафида шаҳдам қадам ташлаб бормоқдалар.

Байрам шодиёнаси шаҳарда кеч тунгача давом этди. Шаҳар маданият уйи бадиий ҳаваскорлари тайёрлаган концерт программалари ҳамманинг кўнглини хушнуд қилди. Ильич чироқлари истироҳат боғлари ва клубларни, маданият саройлари ва хиёбонларни тонггача ёритиб турди.

ЧИРЧИҚ

Кимёгарлар шаҳри ҳуснжамолига қараб тўймайсан киши. Шаҳар йил сайин кўркамлашиб, ободонлашиб боряпти. Шу йилнинг ўтган ойларидаёқ талайгина турар-жойлар, маданий-маиший бинолар кўкка бўй чўзди. Боғлар бағри кенгайиб, кўчалар файзига файз қўшилди.

Шаҳар меҳнаткашлари эл қатори баҳор айёмини ёруғ юз билан кутиб олдилар. Тўрт ойлик планга қўшимча равишда икки ярим миллион сўмликдан кўпроқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Бугун хамманинг чеҳрасида табассум, қалби шодликка тўла. Қўлга киритилган ютуқларни кўз-кўз қилгани 1 Май намойишига чиқишган.

Шаҳар меҳнаткашларининг байрам намойишини мактаб ўқувчилари бошлаб беришади. Ўқувчилардан сўнг Ленин майдонидан медицина техникуми ҳамда политехника институтининг филиали студентлари ўта бошлайдилар. Электрохимия, Ўзбекистон иссиққа чидамли ва қаттиқ қотишмали металлар комбинатлари, «Чирчиксельмаш», «Узбекхиммаш», трансформатор заводлари меҳнаткашларининг колонналари студентлар колоннасига уланиб кетади. Намойишчилар орасида беш йиллик топшириғини муддатидан олдин ва ado этган пешқадамларини, коммунистик меҳнат зарбдорлари ҳамда нишондор ишчиларни кўриш мумкин. Бу азаматлар бундан буён ҳам давлат планларини муваффақиятли бажаришда, маҳсулот сифатини яхшилаб, таннархини арзонлаштиришда ўз куч-ғайратларини аямайдилар.

ОЛМАЛИҚ

Ўтган йилги Май байрами билан бу йилги Май байрами ўртасида шаҳарда бир олам ўзгаришлар рўй берди. Янги химия заводи ниҳоятда қисқа муддат ичида ишга туширилиб, бугун қишлоқ хўжалиги учун сифатли ўғит етказиб беряпти. Май байрами намойишчилари орасидан ўтиб бораётганлар орасида шу заводнинг пешқадам ишчилари ҳам бор эди.

Шаҳар меҳнаткашлари олиб ўтаётган транспарантлар беш йилликнинг сўнгги йилида эришилаётган зафарлардан дарак қилади. Олмалиқ металлургиялари ва кончилари тўрт ойлик топшириқни 28 апрелда муваффақиятли бажардилар. Байрам арафасида мис бойитиш фабрикасининг 5-цехи ишга туширилди. Цехнинг дастлабки маҳсулоти 1 Майга совға қилинди. Шуниси қувончлики, фабрика коллективи тўрт ойлик топшириқни 5 апрелдаёқ бажариб қўйган эди. Бугун-эрта беш ойлик план ҳам тўла адо этилади.

Ўтиб бораётган шаҳар бинокорларининг ҳам қадам олишлари дадил. Улар иккита мактаб, 360 ўринли болалар боғчаси, шифохона ва кўплаб турар-жойларни муддатидан олдин фойдаланишга топширишгач, 14 апрелдан бошлаб май ойи ҳисобига қурилиш-монтаж ишларини олиб боришяпти.

Олмалиқ меҳнаткашлари шу улуғ айёмда беш йиллик топшириғини муддатидан олдин бажариш учун бошланган мусобақа байроғини яна ҳам баландроқ кўтаришга аҳд қилдилар.

* * *

Май байрами шодиёнаси областимизнинг Янгийўл, Ангрен, Оҳангарон, Янгиобод каби шаҳарлари ва барча районларида ҳам зўр шодиёналик билан ўтди. Эрта тонгдан бошланган шоду хуррамлик кеч тунгача давом этди.

БУЮК ҒАЛАБАНИНГ 25 ЙИЛЛИГИ ОЛДИДАН

МАРДЛИК — МАНГУЛИК

Совет жангчилари! Жанговар ва сиёсий тайёргарликда янгидан-янги муваффақиятларга эришингиз, хушёр бўлиб туринг ва ҳар қандай агрессияни даф қилишга ҳамиша тайёр бўлиб туринг!

СОЛДАТ САҲИФАСИ 53

Йиллар ҳикояси

Ўзбек халқининг ажойиб фарзанди, биринчи ўзбек генерали Собир Раҳимовнинг энг яқин жанговар сафдоши Ҳайдар ака қаршимда ўтирибдилар. Полк командирининг 30 йиллик босиб ўтган шонли, машаққатли ҳаёт лавҳаларини тинглайман-у, ҳаёлда ўша дамларни жонлантиришга уринаман...

1941 йил, 15 июнь. Гарбий Украинанинг Дубно шаҳри. Киев ҳарбий Округи 5-армиясининг 120-алоҳида разведка батальони командири Ҳайдар Ҳалилов жангчиларни кечқурунги текширувдан ўтказиб, уйига йўл олди. Қизи Ҳалима ҳали уйқоқ экан. Бир дам отасининг тиззасида эркаланди-ю, аста пинакка кетди. Ҳайдар ака нуря дийдаси пешонасидан ўпиб, кенжатойи Сайёра ёнига ётқизди. Кечки овқатга эндигина қўл урган эди, телефон жиринглаб қолди...

Штабга етиб келганида командирларнинг аксарияти генерал Смехотворов хонасида жамулжам эди. Қўмондон гапда давом этарди:

— Немислар тобора чегараларимиз ёнига кўпроқ ўз қўшинларини тортишмоқда. Уларнинг ҳарбий-ҳаракатлари бизданча ўта хушёрлик талаб этади,— генерал қўлидаги таёқчани деворга осиғлиқ харита устида юритди.— Тонг билан 35-дивизия чегарага туташ Луцкос районига кўчирилади. Бошқа қисмлар ҳам жанговар ҳолатда туришлари керак...

Дубно шаҳридан чегара томон бораётган алоҳида разведка батальони манзилга етмасданоқ, мусаффо осмонимизни қора қўланка қоплади — миллионлаб кишиларнинг ястиғини қуритган Улуг Ватан уруши бошланди.

— Урушнинг иккинчи куниёқ душман бизни асосий қисмдан кириб қўйди,—хотирлайди полковник.—Алоқа узилган, Луцкос райони қамалда қолган. Ўз ҳолимча иш кўришга мажбур эдим. Острог шаҳри бўсағаларида шошилинч ҳимояга ўтиб, жангга кирдик. Бу орада немислар бизни айланиб ўтиб, Дубно шаҳрини ҳам қўлга олишган экан. Эртасига тонгда батальон душманнинг биринчи атакасини қайтарди. Кейинчалик маълум бўлишича, немислар кучи кам бўлиб, орқадан мадад кутишаётган экан. Кечга бориб улар бизни ҳам ҳаводан, ҳам қуруқликдан чунонам ўққа тутишдики, жангчилар ер бағирлаб қолишди. Шунга қарамай, олдинга силжишига йўл қўймадик. Отишма тугагач, шахсий составни кўздан кечириб чиқдим. Талофотлар беҳисоб эди.

Урушнинг тўртинчи куни батальон командири боши ва оёғидан оғир яраланиб, госпиталга тушади. Шепетовка, Черкасс дала госпиталларида бироз даволанган Ҳалилов орқага — Тошкентга юборилади. Яраси тузалиб кетгач, янгидан Самарқандда ташкил этилган 83-кавалерия дивизияси составида Москва томон йўл олади.

Фашист каллакесарлари Ватанимиз юрагига яқинлашиб қолганди. Дивизия пойтахтга етиб боролмади. Ульянов шаҳридаги Дударевский заводи ёнида немислар билан рўбарў келиб қолишди. Яхши қуролланмаган, машқ кўрмаган дивизия Ока дарёсининг қарши қирғоғига чекинди.

1942-йилнинг декабрида дивизия командири ўринбосари Ҳайдар Ҳалилов дўстлари Нурмуҳамедов ва Маликовлар билан бирга бу вақтда Тошкентга кўчирилган Фрунзе номли Ҳарбий Академияга ўқишга жўнайди. Беш ой командирлар билим юртида тахсил кўрган йигитлар қайта пойтахтга йўл оладилар. Фрунзе Ҳарбий Академияси 1943 йилнинг май ойида қайта Москвага кўчирилган эди. Ҳайдар академиянинг генерал штабида ўқиётган жанговар дўсти Собир Раҳимов билан худди шу даврда учрашади.

— Академияни тамомлаганимдан сўнг 147-ўқчи дивизиянинг 15-ўқчи полкига командир қилиб тайинлашди. Бирнеча кунлик мудофаа жангларидан сўнг полкимиз Большой Медведовка районини бўшлаб Старо-Константинов шаҳри томон ҳужумга ўтди. Полк 4 километрга чўзилган фронт бўйлаб олдинга ҳаракат қиларди. Гарчи душман чекинаётган бўлса-да, техникаси бизникидан устун эди. Буёғи, немислар чекинаётиб, Хмара дарёси кўпригини портлатиб юборишганди...

Жанглар ўтида тобланган йигитларимизни ҳеч қандай куч, тўсиқ тўхтатиб қололмасди. Жангчилар тўхтамасдан Грицев шаҳрига кириб бордилар. Бу жангда полк душманнинг етти омборини қўлга олди.

Немислар шаҳарни ташлаб кетишган бўлса-да, Грицевдан 10 километр наридаги Губча қишлоғида олдиндан тайёрланган мудофаа истеҳкомларига ўрнашиб олган эдилар. Кун кеч бўлиб қолган эди. Ҳужумни давом эттириш — фақат талофотни кўпайтириш бўларди, холос. Чунки, душман қишлоққа яхши ўрнашиб олган, кучи бизникидан кам эмасди. Устига-устак кўшин қисм ва штаб билан ҳам алоқани тикламаган эдик.

Ҳайдар Ҳалилов полкн оқшом чўкиши билан разведкачилардан олган маълумотга асосланиб Губча қишлоғининг шимолий қисмига жойлашган қисм жангчиларини эргаштириб, ўрмон орқали Залесье қишлоғини четлаб ўтиб, душманга ғарб томонидан зарба берди. Немислар қанотдан ҳужумни кутмаган эдилар. Икки соат ичида душманнинг 19 артиллерия полки штаби тор-мор келтирилди. Натижада немисларнинг 300 аскар ва офицерлари йўқ қилинди, 17 киши аср олинди, икки озиқ-овқат, битта қишлик кийимкечак омборлари, 64 от, талайгина турли хил пулемет ва милтиқлар, 8 дона 105 миллиметрлик тўп, 9 та радиостанция, 13 та миномет ва анча снаряд, ўқ-дори ўлжа олинди.

Тонг билан полк командирининг буйруғига биноан жангчилар ўлжаларни майор Орловнинг артиллерия дивизиясига совға қилдилар. Мана шу жанговар операция учун ўзбек командири биринчи Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Ҳа, бу жангда полк душманнинг етти омборини қўлга олди.

1944—45 йиллар ичида эса ўз полки билан ўнлаб шаҳар, юзлаб қишлоқларни озод этишда қаҳрамонлик кўрсатган Ҳайдар Ҳалилов Олий Бош қўмондонликнинг тўртта Қизил Байроқ, Александр Невский ордени, Қизил Юлдуз ордени, Ленин ордени, Пратани немис-фашист босқинчиларидан тозалашдаги жасурлиги учун Чехословакия ҳукуматининг Ҳарбий Крест ордени билан тақдирланди.

Я. САЛИМОВ.

КАПИТАН ҲАСАНОВНИ БИЛГАНЛАР БОРМИ?

«Янги ҳаёт» маҳалласида В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган тантанали йиғилиш бўлди. Маҳаллада ҳамма буюк Лениннинг 100-йиллик тўйи деб атади ва клуб ҳовлисини тўлдирди. Биз Восиқ ака Ҳакимов билан бирга ўтирдик. Докладчи Улуг Ватан уруши ҳақида ҳам бир неча сўз айтди. 20 миллион совет кишиси, минглаб шаҳар-қишлоқлар гитлер фашизми томонидан йўқ қилинди, деганда Восиқ ака чуқур хўрсинди. Сўнг дастурхон ёнига ўтирганда дилида йиғилиб қолган гапларни айтиб, ўтмиш хотираларини эслай кетди.

— Бир жанговар дўстим менинг қалбимда ҳамиша барҳаёт,— деб ҳикоясини бошлади. У билан 159-ўқчи дивизиясининг 631-полкида бир йилдан ортиқ бирга жанг қилдик, бутун Белоруссия тупроғини бирга озод қилдик. Шарқий Пруссияда фашистларни янчдик. Қуролдош дўстим Тошкент шаҳридан эди. Фамилияси Ҳасанов, фикримни шунча пешласам ҳам исмини эслай олмадим анча вақт ўтиб қолди. Биз у билан акаукадек эдик, ёшимиз ҳам тенг бўлса керак. Ҳарбий унвони капитан, рота командири эди. Мен эса алоқа батальонининг бошлиғи эдим. Биз капитан Ҳасановнинг алоқа воситалари ёрдамида батальонлар ва полк штаби билан алоқа ўрнатардик. Жангдан сўнг деярлик ҳар куни ўзбек одати бўйича қучоқлашиб кўришардик. Ҳасанов командирлик қилган рота ўқчи полкда, ҳатто дивизияда мақтовга сазовор эди. Мен у билан 1943 йилнинг июнь ойидан 1944 йилнинг сентябригача бирга жанг қилдим.

Унинг бир қанча жанговар маҳоратларининг гувоҳиман. 1944 йилнинг июнь ойида Витебск остоналарида душманнинг жуда мустаҳкам мудофаасини ёриб ўтишда капитан Ҳасанов ротаси ва шахсан ўзи алоҳида маҳорат кўрсатди. Одам ўтиши жуда қийин бўлган ботқоқликдан ротани олиб ўтиб, душман ДОТ ва ДЗОТларини орқа томонидан атака қилди ва дивизиянинг ҳужумига қаршилик кўрсатаётган пулемет точкаларининг овозини ўчирди. «Ура» садолари билан жангчиларимиз олга томон бориб душман позицияларини эгаллади. Шу ҳужум билан Шарқий Пруссиягача бордик. Ана шу маҳорати учун капитан Ҳасанов, иккинчи жанговар Қизил Байроқ ордени билан мукофотланди. Эзди унинг кўксини иккита жанговар Қизил Байроқ ордени ва бир неча медаллар безаб турарди.

Шарқий Пруссия чегарасига яқинлашиб борганимиз сари фашистларнинг сараланган кучларига дуч кела бошладик. Асирга олинган фашистларнинг кўпчилиги «СС» қўшинларидан эди. Душман қанчалик қаршилик кўрсатмасин, қўшинларимиз Германия тупроғига кириб борди. Бизнинг пиёда қўшинлар полкимиз, жумладан капитан Ҳасанов ротаси биринчилар қаторида чегарадан ўтди ва душманни ўз уясида янча бошлади.

1944 йилнинг сентябрь ойида Кенгсберг йўналишида даҳшатли жанглар бўлди. Ана шу жанглардан бирида қуролдош дўстимиз капитан Ҳасанов қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Ватандан узоқ бегона тупроққа уни дафн этдик, автоматлардан қабр устида салют бердик.

Жанговар дўстимнинг ўлмас қиёфаси, одамийлиги, жанговар маҳорати менинг дилимда абадий сақланади. Капитан Ҳасанов ўқ ёмғирлари остида оқопда Ленин партияси сафига қабул қилинди. Партбилет учун олинган кичкинагина фотокарточкасини мен авайлаб сақламоқдаман. Бу дўстим Коммунистик партияга, социалистик Ватанга, жонажон Ўзбекистонга содиқ жангчи сифатида қўлида қурол билан фашизмга қарши курашди ва дунёда абадий тинчлик бўлсин деб жонини қурбон қилди.

Бу полкдош дўстимнинг фарзандлари, қариндошларн бўлиши керак. Мен улар билан учрашишни жуда истардим,— деди суҳбатининг охирида Восиқ ака.

Восиқ Ҳакимовнинг ўзи ҳақида икки оғиз сўз.

Восиқ ака Омск шаҳрида ҳарбий мактабни 1940 йилда битиради, кичик лейтенант унвони берилади. Ватан уруши бошланишиданоқ Гарбий фронт жангларида қатнашади. 1942 йили Коммунистик партия сафига киради.

Ҳакимовнинг кўкрагидаги Қизил Юлдуз ордени, медаллар жанговар хизматларининг далилидир. 1944 йилда Кенгсберг остоналарида бўлган жангларда снаряд парчаси кўзи аралаш ўнг юзига тегади. Даволаниб Тошкент шаҳрига, оиласига қайтиб келди. 25 йилдан буён тинч меҳнат билан банд. Ҳозир 10-болалар уйида ишлайди.

И. ЭРБЎТАЕВ.

КУРАШ ВА МЕҲНАТ ФРОНТИДА



Суратда: ўртоқ С. АЪЗАМХЎЖАЕВ

Тошкент марказий бўрдоқичилик базасида баланд бўйли, очиқ чеҳрали, ўрта ёшлардаги бир киши мени самимий қарши олди. Мақсадимга тушунгач, ўз иш кабинетига таклиф этди. У —базанинг директори экан. Коллектив ютуқларидан гап очдим. Суҳбат бошлашдан олдин бир пиёла чой узатди. Шу пайт унинг чап қўли яхши ишламаслигини пайқадим.

— Урушда бўлганмисиз?— сўрадим.

— Ҳа, кўп қатори. Уруш қурсин,— деди сўнг чуқур хўрсиниб,— ҳаминга тинчлик бўлсин. Урушни авлод-аждодларимиз ҳам кўрмасин.

Суҳбатдошимга даҳшатли уруш йилларини эслатганим учун ҳижолат чекдим. Бу ҳижолатдан мен қутилишим учун Саидолим ака Аъзамхўжаевнинг ўзи аста ҳикоясини бошлади...

Даҳшатли уруш ҳақидаги шум хабар у туғилиб ўсган «Олмазор» маҳалла аҳолисининг бошига ҳам оғир кайғу солди. Келинчаклар чеҳрасидаги табассум сўнди. Маҳалла йигитларининг сараларя бирин-кетин фронтга жўнади. Гавжум гузарлар, хиёбонлар, кинотеатрлар, серқатнов кўчаларда одамлар сийраклашиб қолди.

Саидолим ўша йили ўрта мактабни тугатган эди, ҳужжатларини олий ўқув юртига топширди. Ёш йигитнинг қалби келажакда илмли киши бўлиш, халққа, Ватанга сидқидилдан хизмат қилиш орзу-умидлари билан ёнарди. Лекин, даҳшатли уруш!..

У дарҳол ҳарбий комиссариатга бориб фронтга жўнатишларини сўради, лекин у армия ёшига тўлмагани учун талаби рад этилди.

Заводга бориб, шогирд бўлиб ишлай бошлади у. Лекин, фашист босқинчиларининг мамлакатимиз ичкарисига тобора кириб келиши барча ёшларимиз қатори Саидолимни ҳам газаблантирди. У 1941 йил ноябрь ойида яна ҳарбий комиссариатга борди, яна «мени фронтга юборинглар» деб қатъий талаб қилади.

— Ўғлим,— дёди ҳарбий формадаги киши,— сабр қил, ҳали ёшсан. Олти-етти ойдан кейин келгин, маъқулми?

Капитан олдида кўзлари чақнаб, ҳарбийларча кўкрак кериб тик турган баланд бўйли, қотмадан келган абжир йигитга бир зум самимий тикилиб сўнг:

— Сени ҳарбий билим юртига тавсия этсак, нима дейсан?— деди.

— Майли, юборинг,— жавоб берди Саидолим.

В. И. Ленин номидаги ҳарбий билим юрти талабалари бир йилча ўқитилиб, фронтга жўнатилди. Бу жанговар ёшлар 3-Белоруссия фронти ихтиёрига юборилди. Улар орасида сержант шинелини кийган Саидолим Аъзамхўжаев ҳам бор эди. Ў 192-ўқчи дивизиясининг 427-полкида взвод командирининг ёрдамчиси этиб тайинланди...

1943 йилнинг ноябрь ойи. Белоруссиянинг Орша шаҳрида немис босқинчилари мустаҳкам ўрнашиб олган эди. Орша мамлакатнинг кўпгина шаҳар ва қишлоқларини темир йўл билан боғлаб турарди. У стратегик жиҳатдан муҳим аҳамиятга эга бўлгани учун ҳам немислар ҳар қарич ерга қузғиндек ёпишиб олиб, қаттиқ мудофаа қилардилар.

Бош қўмондонлик шаҳарни фашист босқинчиларидан тозалаш вазифасини қўйди. Ҳужумга катта тайёргарлик кўрилди. С. Аъзамхўжаев хизмат қилаётган полк жангчилари ҳам шиддатли жангга тахт бўлиб туришди. Немис қўмондонлиги қўл қовуштириб турмади: Оршани сақлаб қолиш учун катта тайёргарлик кўрди, шаҳар атрофини маналаштирди. «Тигр», «Пантера» каби оғир танклар, ракета, артиллерия тўплари келтирилди. Шундан қилиб, шаҳар оловли халқа ичида ўралган эди.

1943 йилнинг 20 ноябрида дивизия буйруқ олди. Шиддатли жанг бошланди. Катюшалар тилга кирди. Тўплардан, ракеталардан немислар устига ажал уруғи егдирилди. Осмон юзини аланга қоплади. Шаҳарга бостириб кирилди. Немислар саросимада қолишди.

— Саша, Саша, — Саидолимнинг олдига келди взвод командири, — оиласини, ана шу бинода немис офицери турибди.

Сержант Саидолим командири Иван Хавкиннинг нима демоқчилигини пайқади ва ўз йигитларига дарҳол буйруқ берди:

— Уч киши мен билан!..

Тўрт азамат йигит катта бинонинг тўртинчи қаватида қўрқувдан қути учган икки немис унтер офицерини грибонидан ушлаб, асир олишди. Саидолим йигитлари билан бинонинг иккинчи қаватига тушганда шу бино ёнбошида узун хартумини чўзиб келаётган иккита танкка кўзи тушди. У кетма-кет танклар устига гранаталар ташлар экан, «йигитлар, ўт очинглар» деб буйруқ берди. Танклар турган жойида бурқсиб бошлади.

— Офарин, — деди отишмалар тугагач взвод командири И. Хавкин Саидолимнинг кифтига қоқиб, — Бопладинглар, бўлмаса бу қутирган немис танклари...

Орша шаҳри босқинчилардан тозаланди. Душман жуда катта талафот кўрди, омон қолгандари таслим бўлди, ҳарбий-техникаси ўлжа олинди.

Ёш жангчи Саидолим Аъзамхўжаев Белоруссия, Украина территорияларини немис босқинчиларидан озод этишда, Латвия, Литвада бўлган шиддатли жангларда қатнашди, жанговар топшириқларни намунали бажарди. 1945 йил 2 январга ўтар кечаси у Германия чегарасида оғир ярадор бўлди. Госпиталда даволанди. Сўнг Тошкентга, уйига қайтди.

— Фронтдан қайтиб уйга келсам, — эслайди Саидолим ака, — акам ҳам, дадам ҳам урушдан қайтишмабди. Укаларим ёш эди. Ишлашга тўғри келди. Мана, меҳнатга берилиб кетиб...— Саидолим ака кулимсираб қўшиб қўйди: — бу йил олий маълумотли бўламан. Институтда сиртдан ўқияпман.

Шундан кейин у бошқараётган база коллективи эришган ютуқлар билан танишдик. Тошкент марказий бўрдоқичилик базасида у қарийб ўн етти йилдан бери ишлаб келмоқда. У бошлиқ коллектив давлатга тирик вазнда тўшт топшириш планини ҳар йили ошиғи билан бажариб келмоқда. Улуг доҳий Владимир Ильич Ленин туғилган кунинг 100 йиллигини муносиб туҳфа билан кутиб олиш, беш йиллик давлат планини тўрт йилда, юбилей кунигача бажариш учун бутун куч ва имконият ишга солинди. Чорва бригадалари, молбоқарлар ўртасида социалистик мусобақа ҳар қачонгидан ҳам авж олдирилди. Чорва молларини интенсив усулда боқиш жорий этилди, моллар тўйимли озуқалар билан таъминланди. Зоотехника қоидаларига қатъий риоя қилинган ҳолда парвариш этилди. Натижада молларни базада сақлаб, боқиш муддати қисқартирилди, кўпроқ семиртиришга эришилди. Ҳар бош қорамол 73 кунда пландаги 40 килограмм ўрнига 60 килограмм вазн қўшди.

Давлатга тўшт топшириш йиллик планн 127 процент қилиб бажарилди. Тежаб қолинган озуқа бирлиги ҳисобига давлатга кўплаб қўшимча тўшт топширилди. Шундан 111 минг сўм ўрнига 169 минг сўм соф фойда олинди.

База коллективи катта юбилей арафасида квартал планини 160 процентдан ошириб бажарди. Айни чоқда беш йиллик планни тўрт йилда адо этди!

Коллектив бу муваффақиятлари учун ўтган йили Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва республика касаба союзлари Марказий Советининг кўчма Қизил байроғи ҳамда биринчи пул мукофотини олган эди. Бу йил Владимир Ильич Ленин туғилган кунининг 100 йиллиги шарафига бошланган социалистик мусобақада қўлга киритган катта ютуқлари учун Ўзбекистон КП Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Министрлар Совети ва Ўзсовпрофнинг Ленин юбилейи Фахрий ёрлиғи билан мукофотланди. Шунингдек, «Ленин юбилейи шоншуҳрати китоби»га ёзилди.

Саидолим ака чорвачилик соҳасида иш олиб бораётган олимлар билан ҳамиша алоқада бўлиб туради. Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Ботаника институти илмий ходимлари билан ҳамкорликда ишлайди.

Бундан бир неча йил муқаддам академик Мўзаффаров бир ҳужайралик сув ўсимлиги— хлорелланн лабораторня усулида етиштирди. Бу ўсимликни республикада биринчи бўлиб Аъзамхўжаев ўз базасида синаб кўрди. Синаш мобайнида бу озуқанинг афзаллигини кузатиб борди. Ниҳоят, хлорелла озуқасининг чорва моллари учун жуда катта фойдаси ана шу базада синовдан ўтди. Янги ликдан чорва молларини боқишда фойдаланиш тавсия этилди. Аъзамхўжаевнинг бу соҳага қўшган ҳиссаси ва илмий ташкилотларга кўрсатган катта ёрдами ҳисобга олиниб, СССР Министрлар Совети ҳузуридаги ихтирочилик ва кашфиётлар комитети унга авторлик гувоҳномасини берди.

Саидолим Аъзамхўжаев жангда ва тинч меҳнатда кўрсатган қаҳрамонликлари учун «Ҳурмат белгиси» ордени ва бир қатор медаллар билан тақдирланган.

З. АХТЯМОВА.



АЪЛОЧИ СОЛДАТ

МУМИН ХАТАМҚУЛОВ жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси. У Буюк Галабанинг 25 йиллигини ҳамма соҳада яхши кўрсаткичлар билан кутиб олиб, тенгқурларига ўрнак бўлаётир. Яқинда ўтказилган тактик машғулотларда жангчи назарий билимларни қанчалик пухта эгаллаганлигини кўрсатди. Табелга қўйилган «аъло» баҳо ҳам бундан далолат беради. Суратда: (олдинда) оддий жангчи Мўмин Хатамқулов.



МОТОЎҚЧИЛАР взводи танклар кўмагида ҳужумга ўтди. Олдинда жанговар ва сиёсий тайёргарлик аълочиси, взвод командирининг ўринбосари младший сержант Виталий Белин.

А. Асанов фотолари.

ЎЗБЕКИСТОН ЖУРНАЛИСТЛАР СОЮЗИДА

Матбуот ходимлари катта армиясининг байрами — Матбуот куни бу йил шонли Ленин юбилейига уланиб кетади. Журналистлар, полиграфчилар, ноширлар ва китоб савдоси ходимларининг тантанали йиғилиши ана шу воқеага бағишланади. Ўзбекистон Журналистлар союзи правлениеси президиумининг навбатдаги йиғилишида Матбуот кунининг байрам қилиниши ҳусусида гаплашиб олинди.

Улуғ Ватан уруши йиллари кўпгина журналистлар Ватанни фашист босқинчиларидан ҳимоя қилдилар. Баъзилар қўлда қурол билан жанг қилдилар, бошқалар ўз журналистик бурчларини олдинги сафда туриб ўтадилар; тўп ўқлари остида очерклар, репортажлар ёздилар. Уларнинг кўплари редакцияга қайтиб келишмади. Фронтдан омон-эсон қайтганлар эса газета-журналлар, радио ва телевиденида меҳнат қилмоқдалар. Тошкентлик журналистлар ўз дўстларининг жанговар юришларини хотирлаш, ўтмиш кунларни эслаш учун Буюк Ғалабанинг 25 йиллиги арафасида «юмалоқ стол» атрофига тўпланишга қарор қилдилар. Фронтчи журналистларнинг бўлажак учрашуви ҳақидаги ахборот президиумда тингланди.

Совет журналистларининг Ҳиндистонга сафари натижалари ҳақида делегация бошлиғи З. И. Есенбоев сўзлаб берди. Шуниғдек, ҳарбий-ватанпарварлик темасида ёзувчи журналистлар группасининг қаҳрамон шаҳарлар бўйлаб қилган сафари яқунлари тингланди. Бу сафар Ғалаба куни муносабати билан уюштирилган эди.

Президиум район газетаси редакторларининг Москвага Бутуниттифоқ семинарига қилган сафари натижаларини тингланди ва В. И. Ленин туғилган кунининг 100 йиллигига бағишланган энг яхши очерк ва публицистик мақола учун республика конкурси жюрисининг қарорини тасдиқлади.

ЖОЗИБАДОР КУЙЛАР, ДИЛРАБО ҚЎШИҚЛАР

Шу фусункор сўлим баҳор байрами арафасида билим юртининг студентлари яна бир имтиҳондан ўтдилар. Ҳа, бу концерт бўлажак санъаткорлар учун катта ижодий синов бўлди.

Билим юртида ҳисобот концертига пухта ҳозирлик кўрилган эди. Концерт программаси ранг-баранг қилиб тузилди. Ҳарбир дилрабо куй ва жозибадор қўшиқ ўзига ҳос нафосат ва жозиба билан ижро этилди.

Ҳашаматли зал бўйлаб «Партияга қасида» хори салобатли янграйди. Композитор Мутал Бурхоновнинг бу қўшиғи 150 кишилик хор ижросида катта маҳорат билан ижро этилди.

«Октябрь тонги» деган қўшиқ ҳам тингловчиларга манзур бўлди.

Навбат яккахон созанда ва хонандаларга берилади. Улуғ Ленинни мадҳ этувчи қўшиқ кетидан сўлим баҳор ҳақидаги лирик куй уланиб кетади. Билим юртининг иккинчи курс студенти В. Алексеенко «Ленин ҳақида қўшиқ»ни катта завқ билан айтди. Бўлажак санъаткор Украин халқ қўшиғини ҳам ижро этиб, томошабинлар олқишига сазовор бўлди.

Зал бўйлаб чанг тароналари янграйди. Моҳир чангчи Аҳмад Одилов классида таҳсил кўраётган IV курс студенти Маъруф Баратов чангда «Гулбаҳор» ва Тановар куйини маҳорат билан чалиб берди. Совет балет санъатининг ажойиб дурдонаси бўлиб қолган «Гаянэ» саҳна асаридан «Қиличбозлар рақси» ҳам чанг ижросида шўҳчан таралди.

Атоқли ўзбек композитори Толибжон Содиқовнинг «Сарвигул» романси ижро этилганда, томошабинлар III курс студенткаси Гулнора Рўзибоева маҳоратига қойил қолишди. Студентлардан Б. Юн, В. Болотин, О. Ковбас ва бошқаларнинг чиқишлари ҳам илиқ қарши олинди. Бўлажак санъаткорлар Лист, Хачатурян, Шопен, Шостакович каби машҳур композиторлар асарларидан парчалар айтиб беришди.



Хор коллективи «Партияга минг раҳмат» қўшиғини ижро этмоқда.



Студент Н. Баратов чанг чалмоқда.

А. АБАЛЯН фотолари.

Билим юрти ҳузурида ташкил этилган ўзбек халқ чолғу асбоблари оркестри репертуарида ҳозир кўпгина куй ва қўшиқлар бор. Ҳисобот-концертида оркестр солистлари ва созандалари ҳам актив қатнашдилар. Оркестр ижросида композитор Монас Левиевнинг «Комсомол сюитаси» жозибадор янгради. III курс студенти А. Умаров куйлаган «Қолдими» қўшиғи ҳам тингловчиларга маъқул бўлди. «Қорақалпоқча сюита», «Баҳор» каби куйлар ҳам завқ билан тингланди.

Концертда «Узоқ-узоқларда», «Булбул», «Россияни севаман», «Халқимизга шон-шарафлар» каби куй ва қўшиқлар ҳам маҳорат билан ижро этилди.

Концерт ниҳоясига етди. Зал бўйлаб яна гулдурос қарсаклар янграйди. Концертни уюшқоқлик билан ўтказганлиги ва ижрочиликда ижодий ютуққа эришганлиги учун ёш санъаткорларга Ленин номидаги умумий ҳарбий-таълим билим юртининг Фахрий ёрлиғи топширилади.

Тошкентдаги Ҳамза номли музика билим юрти коллективининг Ленин номидаги умумий ҳарбий-таълим билим юрти курсантларига кўрсатган ҳисобот концерти томошабинларда яхши таассурот қолдирди.

А. АЛИЕВ.

СУМАЛАК КИМЁСИ

Қанд қўшилмаса, қўринишидан аччиқ майсага ўхшаш буғдой ўсимтасидан тайёрланган сумалак нега холвайтардек ширин бўлади? Шу савол билан кўпчилик, ҳатто маҳсулар сумалакпаз аёллар ҳам тез-тез мурожаат қилиб туришади.

Ўсимлик ичидаги ҳар битта ҳужайрани микроскопик лабораторияга ўхшатиш мумкин, деган фикрни айтади К. А. Тимирязев. Ўсимлик ҳосил қиладиган хилма-хил моддаларнинг барчаси ана шу лабораторияда ишланади. Ана шундай моддалардан бири «карбон сувлар» деган умумий ном билан аталувчи фруктоза, сахароза, глюкоза, крахмал, клетчатка кабилардир. Карбон суви номи билан аталишининг боиси, унинг таркибида хидроген билан оксигеннинг худди сувда бўлган нисбати бор. Яна карбон (кўмир) ҳам мавжуд бўлганлиги учун соддароқ қилиб кўмир ва сувдан ташкил топган модда — карбон суви деб аталиб қўяқолишган.

Карбон сувлари ширин (сахароза, глюкоза) ва ширинлиги тилга дарҳол сезиладиган крахмал (клетчатка) тарзида бўлиши мумкин. Буғдойнинг ичи тўла крахмал, сирти эса клетчаткадан иборат бўлади. Хўш, бу қандай қилиб шакарга айланиб кетади? Кимёгарга шу савол билан мурожаат этсангиз ундан олдин ва ҳайратда қоладиган жавоб оласиз: «сульфат кислотаси билан хашаҳушаққа таъсир қилинса уни шакарга айлантириш мумкин», — дейди. Чиндан ҳам муъжизасиз муъжиза бу.

Хўш, бунинг сумалакка қанақа алоқаси бор? Бу саволингизга энди биолог жавоб беради: «Сумалак тайёрлаш учун ивитилган буғдой ўсимтаси униб чиқиш жараёнида диастаз махсус модда пайдо бўлиб дон таркибидаги крахмалга худди хашакдаги клетчаткага сульфат кислотаси таъсирига ўхшаган таъсир қилади».

Диастаз нима? Бунга биохимик жавоб беради:

«Диастаз ферментдир. Фермент шундай моддаки, озгинаси таъсир қилса бас, бошқа кўп миқдордаги моддаларнинг биокимёвий ўзгаришига кучи етади. Диастазнинг бир улуши униб чиққан буғдой дони таркибидаги крахмалнинг минг улушини ҳам ширадор бўлишига сабаб бўлади».

Буғдой ўсимтасида бундай жараён содир бўлиши учун ҳаво ҳароратининг иссиқ-совуқлиги муҳим аҳамиятга эга бўлади. Ҳаво илиқ бўлса бу жараён нормал кетади. Диастаз ҳосил бўлиши учун сумалакпаз маълум технологик усулдан фойдаланади. Яъни 2—3 кун сувга ивитилган буғдой бўртгандан сўнг тахта устига ёйиб ҳаво тегиб турадиган, ёруғ, лекин қуёш нури бевосита таъсир қилмайдиган жойга қўйилади. Шунда бўртган дон ҳаво билан ёндошлиги туфайли ичида диастази бор ўсимта ва илдизлар ҳосил қилади. Демак, диастаз ўсимтанинг нафас олиши давомида ҳосил бўлади. Ҳаво совуқ 1—2 даража бўлса бундай ўсимта ҳосил бўлмайди, 10—12 даражали ҳаво диастазли ўсимта учун энг қулайдир. Агар ҳарорат 35—40 даража бўлса донинг ҳаётий фаолиятини сиқади, уни сўлитади, диастаз ҳосил қилмайди. Ана шунинг учун сумалакни қишда, кузда ва ёзда тайёрлаш сира-сира мумкин эмас. Фақат баҳорда, ҳавонинг ўртача ҳарорати 10—12 даража бўлган ойларидагина мумкин.

Бинобарин сумалак йилда бир мартагина тайёрлаш мумкин бўлган нодир таомдир. У таомгина эмас, шифобахш дори ҳам... Сумалакда инсон аъзоларида жуда тез қонга ва лимфа суюқликларига сўриладиган дисахарид бор. Унинг оқсили ҳам жуда ноёб бўлиб, аъзои-баданимиздаги миллиардларча ҳужайралар учун энг яхши озуқадир. Сумалакда яна бир муҳим фойдали жавҳарлар билан бир қаторда согубемор учун баробар зарур бўлган С витамини мавжуд, бу моддани халқимиз дармондори деб атайди.

Буғдой ўсимтасини 1936 йилда Эмерсон ва Эванс деган икки немис олими текшириб кўришганда бошлари осмонга етган эди. Унда «токоферол» деб аталувчи модда бўлиб, бу нимранг илашимли ёғсимон дори-дармон женшен таркибида учрайдиган Е белгили витаминнинг ўзгинасидир. Токоферолнинг ажойиб технологик хусусияти бор: яъни у ёғда эрийди (сумалакка ёғ солинади) ва 170 даража иссиқликда ҳам ўз кучини сақлаб қолади, емирилмайди (сумалак 120—130 даража иссиқликда пишади). Демак, сумалак Е витаминининг манбаи экан. Бундай витамин эркакларни наслсизлик касалидан ва аёлларнинг бевақт бола ташлаш офатидан асрайди!

Сумалак гипертония касалига энг яхши даво, у қон таркибини яхшилайди. Томирлар торайган бўлса қонни суюлтиради.

Яна сумалак ошқозон ва ичак трактатини тозалайди, унинг фаолиятини кучайтиради, яъни ични яхши юритади.

Сумалак аъзоларга юқорида айтганимиздек яхши таъсир кўрсатиши учун бир қоидага беистисно риоя қилиш керак. Чунончи, сумалак пиширилган куни бошқа овқат емай бир кун, иложи бўлса икки кун кечгача шу таомнинг ўзи билан пархез қилиш керак. Уни чой билан юнгга тегизиб ялайбериш зарур. Баъзилар билиб-билмай гўштли, ёғли овқатлар, балиқ ва яна алланималарни аралаштириб танаввул қилиб қўяди, ҳатто ичкилик ҳам ичиб юборишади. Бу сира ҳам мумкин эмас. Агар шундай қилинса, бу таомнинг шифолиги қирқилиб кетади. Сумалак пархезидан бир ҳафта-ўн кун олдин ичкиликни тўхтатиш керак. Уни егандан сўнг яна шунча вақт ўша бадхўр ичимликни оғизга олмаслик даркор. Негаки, сумалак таркибининг асосини карбон сув, яъни шакар модда ташкил қилади, бунга аралашган озгина спирт ҳам ички аъзоларда бижғиш жараёнини келтириб чиқаради, бу кишини жуда оғир дардларга мубтало қилиши турган гап.

Шундай экан, биз сумалак таомига тўғри муносабатда бўлишимиз, истеъмолига бефарқ қарамаслигимиз, бу неъматнинг дармондоридан тўла фойдалаца одишга ўрганишимиз жоиз.

Карим МАҲМУДОВ.
пазанда.

НУСҲА

ҲАЖВИЯ

Тожипиён бир юмалаб имом қўёфасига кирди, олди. У кир чойшабни юлдириб бошига салла қўндирди. Гезарган лабларини ялаб тамшанди ва мурит овлаш ниятида қишлоққа жўнади. Қишлоқ йўлида уста Жўрага дуч келди. Уни қўярда-қўймай ўзи билан олиб кетди. Кетаётиб уста ҳазиллашди:

— Бу дейман бошда салла турганда арақ ҳиди келиб турса, қизиқ бўларкан, огайни, эрталабга озроқ отиб олдилар, шекилли...

— Хой, хой, беандеша гапларингизни қўйинг бўтам, арақ иси келаётган бўлса оғиздан эмас, бадандан. Ўттиз йилдан бери ичаверий бадан-баданга сиғиб кетган экан, занталоқ. Ўзимни уч кун офтобга солиб ётдим, уч кун шабадалатдим,— ҳай майли, ўраниб олсак ҳеч ким сезмайди, деган умиддамиз...

Шу алпозда имомнинг ўтишини эслашиб, у ёқдан, бу ёқдан гаплашиб кўзлаган қишлоқларига яқинлашишди. Қишлоққа кўприкдан ўтиб бориш анча айланиш бўлиб, ёш-яланглар ана шу яккачўпдан ўтиб қатнашарди. Имом уста Жўрани шу томонга бошлади. У «мен бу яккачўпдан ўтолмайман, бошим айланиб йиқилиб кетишим мумкин» деб эътироз билдирди. Имом эса «Қўрқманг, сизни кексароқ кишилар ҳам шу йўлдан қатнашади. Мен ўзим етаклаб ўтаман, худо хохласа қилкўприкдан ҳам жаннатга ўзим ўтказиб қўяман» деб устанинг қўлидан ушлаб йўл бошлади.

Яккачўп устида икки қадам қўяр-қўймас Жўра қўзи тиниб, боши айланиб лапанглаб бошлади. «Йиқилса меня ҳам ўзи билан бирга олиб кетади» деб имом уста Жўранинг қўлини қўйиб юборди. Жўра бир томонга огди-да, қулади, сувга шўнғиб кетди.

Имом у ёқ бу ёққа олазарак қаради ва ҳеч кимнинг йўқлигига ишонгач, йўлига равона бўлгангача пилдираб жўнаб қолди. У худойи бўлаётган жойда олдига қўйилган таомларни покпокиза тушириб, қорнини меш қилганича қайтиб келаётган эди, яккачупдан бироз нарироқда уста Жўранинг кийимларини ечиб қуёшда қуритаётганини кўрди. У ҳеч нима сезмагандек ёнига бориб «Э уста эсон-омон чиқдингизми, капалагимни учириб юбордингизку», деди ва яна «ҳеч боқиси йўқ, кийимларингиз ҳозир қуриб қолади»,— дели тиржайган кўйи.

Шунда Жўра:

— Кийимларимку қурийди-я, лекин сенга бўлган нафратим ўлганигача ҳам қуримайди,— деди кўзларидан газаб чақнаб Жўра.

Усмон МУҲАММЕДОВ.

ДУНЁ ОВОЗИ
чет эл хабарлари

ТАСС БАЁНОТИ

Америка ва Сайгон қўшинларининг катта бўлинмалари авиация, артиллерия ва танклар ёрдамида Камбоджа территориясига бостириб кирганлиги тўғрисида ҳабарлар келди. АҚШ президенти 28 апрелда мудофаа министри, давлат секретари ва президентнинг миллий хавфсизлик масалалари билан шуғулланувчи ёрдамчиси билан кенгаш ўтказиб, хабарларда айтилишича, шу кенгашда Камбоджадаги аҳволни муҳокама қилганидан кейин, Америка ва Сайгон қўшинлари Камбоджа территориясига бостириб кира бошлади. АҚШ мудофаа министрининг ёрдамчиси Д. Хенкин Пентагонда мухбирларга, АҚШ Сайгон армиясига «кенгашчилар юборади ва Жанубий Вьетнам қўшинларининг Камбоджа территориясида ҳарбий операциялар ўтказишига бошқа ёрдамлар бериб туради», деди.

Шундай қилиб, Америка ҳарбийлари янги агрессия қилди, бу агрессия Вашингтон уруш ҳаракатларини бутун Ҳинди-Хитой ярим оролига ёйиш ниятида эканлигини кўрсатиб турибди. Қўшма Штатлар 1954 йилги Женева битимларини, Камбоджанинг мустақиллигини, суверенитети ва бетарафлигини халқаро ҳуқуқнинг ҳамма тан олган-нормаларини бузиб, яна қўпол равишда поймол қилмоқда. АҚШнинг бу янги агрессияси Вьетнам ва Лаос халқларининг ҳам, Кхмер халқининг ҳам эринлиги ва мустақиллигига қарши қаратилган агрессиядир.

АҚШнинг бу ҳаракатлари можарони давом эттиришга ва чуқурлаштиришга олиб келади, бунинг оқибатида Ҳинди-Хитойдаги ва бутун Шарқи-Жанубий Осиёдаги вазият янада мураккаб лашиши мумкин, холос.

Ҳинди-Хитой халқлари вакилларининг яқинда бўлиб ўтган кенгаши эълон қилган қўшма баёнотда Камбоджа, Лаос ва Жанубий Вьетнам халқлари мустақиллик, тинчлик ва бетарафлик учун курашишга маҳкам бел боғлаганликлари уқтириб ўтилди. Камбоджа, Лаос ва Жанубий Вьетнам халқларининг асил орзулари мана шу. Бу эса, Женева кенгашларининг асосий принципларига мувофиқдир. Улар бу мақсадларини қатъият ва фидокорлик билан, қаттиқ туриб химоя қилажакларига шак-шубҳа бўлиши мумкин эмас.

Совет Иттифоқи Камбоджанинг бетарафлиги ва мустақиллигини, суверенитети ва территориал бутунлигини ҳар доим ҳурматлаб келди ҳурматлайди. Америка ҳарбийлари ва уларнинг Вьетнамдаги агрессия бўйича иттифоқчилари Камбоджани тинчлик ва бетарафлик йўлидан, Кхмер халқининг миллий манфаатларига мос бўлиб тушаётган йўлдан тойдиришга, уруш алангасини шу мамлакат территориясига ҳам ўтказишга уринаётганликлари ҳаммани қонуний ҳаяжонга солмоқда. Бундай ҳаракатларнинг оқибатлари учун жавобгарлик тўларавишда Қўшма Штатлар устига тушади.

ЯПОНИЯ. Токио шаҳрининг билим юртларида таълим олаётган чет эллик студентлар, америкалик ёшлар, АҚШнинг Вьетнамда олиб бораётган агрессиясига қарши кескин норозилик билдирмоқдалар. Улар митинг ва намойишлар ўтказиб, тинч Вьетнам еридан Америка ҳарбийларини олиб чиқиб кетишни талаб қилмоқдалар. Суратда: шаҳарда уюштирилган намойиш қатнашчиларини кўриб турибсиз.

Сурат Японияда чиқадиган «Бунгэй Сюндзю» журналидан олинган.



Улуғ сана олдидан

БЕРЛИН. (ТАСС). В. И. Ленин тасвири туширилган совет комсомоли байроғи гитлерчилар Германияси сўзсиз таслим бўлиши ҳақидаги акт имзоланган тарихий бино ёнида бўлиб ўтган учрашувда эркин немис ёшлари союзи Берлин ташкилотига топширилди. Ҳозир бу бинода музей жойлашган. Унинг экспонатлари фашизм устидан Совет Армияси эришган шонли ғалабалар ҳақида ҳикоя қилади.

Учрашувда сўзга чиққан нотиқлар, немис халқини фашизмдан халос қилган Совет Армияси жангчиларига самимий миннатдорчилик билдирдилар. Учрашув қатнашчилари ГДР ёшларининг республикани ҳар томонлама мустаҳкамлаш, совет ёшлари билан қардошларча бузилмас дўстликни чуқурлаштиришга ўзларининг барча кучларини сарф этишга тайёр эканликларини таъкидладилар.

СОВЕТ ЧЕХОСЛОВАКИЯ ДЎСТЛИГИ, МУСТАҲКАМЛАНМОҚДА

ПРАГА, 30 апрель. (ТАСС). Бугун Прагада Прага метрополитени қуришда Совет Иттифоқи томонидан бериладиган ёрдам тўғрисида, Чехословакияда умумий қуввати 1 миллион 700 минг киловаттдан иборат иккита атом электростанцияси қурилиши тўғрисида ва тўртта қудратли уйсозлик комбинатлари учун Совет Иттифоқидан техника асбоб-ускуналари етказиб бериш тўғрисида Совет-Чехословакия ҳукуматлари ўртасидаги битимлар тантанали равишда имзоланди.

НОРОЗИЛИҚ НАМОЙИШИ

ДЕҲЛИ. (ТАСС). Ҳиндистон пойтахтининг студент ва ёшлари Қўшма Штатларнинг Ҳинди-Хитойдаги сиёсатига қарши АҚШ информация хизмати биноси олдида кучли норозилик намойиши ўтказдилар.

Намойишчилар АҚШнинг Камбоджа ишларига аралашувидан қаттиқ ғазабланганликларини билдириб, деб ёзади «Пэтриот» газетаси, Америка империализмининг рамзий тасвирини ёқиб юбордилар.

Намойишчилар шуниғдек АҚШ информация хизмати ходимларига норозилик меморандуми топширдилар.

Редактор
А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва Эълонлар

Театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 2/V да **Бехуда эҳтиётнорлик** (кундуз соат 12 ва кеч 7 яримда), 3/V да **Бир пардали балетлар** (кундузи), **Лайли ва Мажнун** (кечқурун).

ҲАМЗА НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 2/V да **Аяжонларим** (эрталаб соат 11 да). **Парвона** (кундуз 3 да). **Олтин девор (кечқурун)**, 3/V да **Парвона** (кундуз соат 12 да). **Олтин девор** (кечқурун).

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА — 2/V да **Катта байрам концерти** (кундуз соат 12 да), **Ажаб савдолар** (кечқурун), 3/V да **Ажаб савдолар** (кундуз соат 12 да), **Қайнона** (кечқурун), 4/V да **Тошболта ошиқ**.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **ЛИЛИПУТЛАР ИШТИРОКИДА ДЖАЗ-ОРКЕСТР ГАСТРОЛЛАРИ.**

«ЮБИЛЕЙНЫЙ» СПОРТ САРОЙИДА — **ЛЕНИНГРАД ДАВЛАТ МУЗ УСТИДАГИ БАЛЕТИНИНГ ГАСТРОЛЛАРИ.**

Кино

Утган кунлар — «СПУТНИК» (куфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», «ВОСТОК», «ДРУЖБА», «ЧАЙКА» (кундуз ва кечқурун).

Тренер — «СПУТНИК» (тоқ соатларда), НАВОИЙ номли (эрталаб соат 10, 11.40, кундуз 3, кеч 6.20 ва 8 да), «МОСКВА» (эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6 ва 9.40 минутда), «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз соат 12, 2 дан). САНЪАТ САРОЙИ (эрталаб соат 10 ярим да), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (2 майда, кундуз ва кечқурун).

Қашқир наъраси (эрталаб соат 10, кундуз 2, кеч 6 да), Кечикиан гуллар (кундуз 12, 4, кеч 8 ва 9.45 минутда). — КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ».

Жавоҳир қўл — «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Николай Слученко — «МОСКВА» (кундуз соат 12, 4 ва кеч 8 да).

Хавфли гастроллар — НАВОИЙ номли (кундуз соат 1.20, 4.40 ва кеч 9.30 минутларда).

Муҳаббатнома — САНЪАТ САРОЙИ (кундуз соат 12 ярим, 3, 5 ва кеч 8 яримда).

Қайгурма! — «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ» (3 майда, кундуз ва кечқурун).

ТОШКЕНТ ШАҲАР ЛЕНИН КОМСОМОЛИ НОМЛИ МАРКАЗИЙ МАДАНИЯТ ВА ИСТИРОҲАТ БОҒИДА

(кураш майдони)

2, 3 МАЙДА

ЕШ ТАЛАНТЛАР ИШТИРОКИДА

КАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

СИЗНИ — дилрабо қўшиқ, латофатли рақс, зўр ҳажвия-ли кулги, аския ва ҳар хил оригинал номерлар кутади.

ҚАЛБИНГИЗ ҲАМИША БАҲОРДЕК ЖУШҚИН БЎЛИШИНИ ИСТАСАНГИЗ КЕЧАМИЗГА МАРҲАМАТ ҚИЛИНГ!

Билетлар сотилмоқда.

Касса кундуз соат 3 дан ишлайди.

СВЕРДЛОВ НОМЛИ КОНЦЕРТ ЗАЛИДА

2 МАЙДА

ҚАТТА БАЙРАМ КОНЦЕРТИ

Қатнашадилар: Ўзбекистон ССР халқ артисти ҚУНДУЗ МИРКАРИМОВА.

Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артистлар: Олмахон ҲАЙИТОВА, Муҳаббат ШАМАЕВА, Қувондиқ ИСКАНДАРОВ, Меҳри АБДУЛЛАЕВА, Тўхта РИСМЕТОВА, Вилоят ОҚИЛОВА;

Солистлар: Фахриддин УМАРОВ, Малоҳат ДАДАБОЕВА, Сора ШУКУРОВА, Манзура МУМИНОВА, Гулчеҳра ИСМОИЛОВА, Илёс МАЛЛАЕВ

VI Жаҳон фестивалининг лауреати — Отамон РАЖАБОВ.

ЎЗБЕК ХАЛҚ ЧОЛҒУ АНСАМБЛИ

Программани — Ўзбекистон ССР да хизмат кўрсатган артист

МУҲАББАТ МУСАЕВА олиб боради.

Концерт неч соат 8 да бошланади.

Билетлар концерт зали кассасида кундуз соат 2 дан сотилади.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг босмахонаси, Тошкент шаҳри.

Г. 1636. ИНДЕКС — 64697. Р — 01464.